

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI
ТАБИАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

142 «Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш тўғрисидаги рухсатнома бланкалари намуналарини ҳамда Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесиш, шунингдек давлат ўрмон фонди ерларига кирмайдиган захира ерларида пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун бериладиган рухсатномалар бланкаларини тўлдириш ва ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
23 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1686-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги 290-сон «Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг 2007 йил 15 майдаги 01-705-сон «Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш тўғрисидаги рухсатнома бланкалари намуналарини ҳамда Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесиш, шунингдек давлат ўрмон фонди ерларига кирмайдиган захира ерларида пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун бериладиган рухсатномалар бланкаларини тўлдириш ва ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1686, 2007 йил 4 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 23-сон, 244-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Б. АБДУСАМАТОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 17 март,
4-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.